КУТУБХОНАСИ
Тадқиқотлар институти

ПЛАГИАТОР : УНГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ф. Абдуллаевнинг бу қилган иши ёзувчи ва таржимонга ҳурматсизлик, беписандлик, беадаблик бўлиши билан бир қаторда ғирт ўғирлик-ку.

Африкалик адиб узоқда бўлса, "ўғри" жазосиз қолиб кетаверадими? Менимча, жаноб Ф. Абдуллаев "Парвона"дек таниқли газетани алдагани учун қонун олдида жавоб бериши керак.

2 -бет

ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Президент Жорж Буш сайлов натижалари чиққан пайтдаёқ демократларнинг биринчи рақамли душманларидан бири, Ироқ уруши ташкилотчиси — мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни лавозимидан озод қилди.

Президентнинг ўзи энг яқин сафдоши, Ироқ урушидаги "қуролдош"ини ишдан бўшатгани Оқ уй муроса йўлини танлашга мажбур бўлганини кўрсатади.

3 -бет

МУНОЖОТГА СИНГИЛ НАВОЛАР

Бегона юрт, бегона тупроқда бошига ажал ҳар лаҳза таҳдид солиб турган ўн етти, ўн саккиз ёшли жангчи ўз Ватанини айнан ўша ЛАҲЗА — вақт қиёфасида кашф этиши энди бу кутилмаган мантиқ...

Бироқ шу лаҳзаларда ерга кўкка ваҳшат солиб ўлим шарпаси ҳам кезади. Ваҳшат оғушидаги ана шу лаҳза — Ватан бағрида ўз умрининг қисқагина икки йилини "яшамоқ мушкулдир, яшамоқ мушкул!.."

4 -бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan | Chorshanba kunlari chiqadi | E-mail: hurriyat@mail.ru | № 45 (507) | 2006-yil 15-noyabr

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна давом этмоқда!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

ҚИШЛОҚ ТИББИЙ ХИЗМАТИ ШАҲАРНИКИГА ТЕНГЛАШАДИ

фарғоналик шифокорлар ана шундай шиор танлашган

"Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мамлакатимизда бу йилдан бошлаб ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимларининг касб байрами сифатида нишонланади.

Ўтган якшанба куни тиббиёт ходимлари мамлакатимизда биринчи марта ўз касб байрамларини кенг нишонладилар. Улар шу қутлуғ айёмда ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳамда ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик билдириш билан бирга, ўз меҳнат фаолиятларини ҳам сарҳисоб қилишмоқда. Аҳолига тиббий хизмат савиясини янада ошириш ва ўз зиммаларидаги муқаддас бурчга ҳамиша содиқлик ҳамда ҳалоллик ҳар бир шифокордан ташаббускорлик, изланувчанлик, масъулият ва ирода талаб қилади.

Ўсаётган янги авлоди ва халқи соғлом бўлган юртни чиндан ҳам саодатли дейишади. Истиқболга интилиб, эзгу орзу-ниятлар оғушида яшаш ва яратиш бахту саодатнинг таъмини туйиш — ҳамма нарса соғлиққа боғлиқ.

Мустақиллик йилларида халққа тиббий хизмат кўрсатиш мазмуни ва моҳияти тубдан ўзгарди. Эндиликда мамлакатимизнинг қайси бир аҳоли яшаш жойида бўлманг, барчасида юртдошларимиз малакали шифокорлар хизматидан баҳраманддирлар. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, туғруқхоналар, шифохоналар, поликлиника ва шошилинч тиббий ёрдам марказлари халқ хизматида. Минглаб юқори малакали врачлар ва тиббий ҳамширалар ўз бурчларига садоқат билан хизмат қилишяпти.

Барчага маълумки, халқ соғлигини сақлаш ва бу йўналишдаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошира бориш масаласи Юртбошимизнинг доимо диққат-эътиборидадир. Тиббий хизматни ривожлантириш ва такомиллаштириш, бу борадаги энг пешқадам жаҳон иш тажрибалари ва илмий-техник янгиликларни амалга жорий этиш, тиббиёт ходимларига ғамхўрлик кўрсатиш бўйича дастурлар, қонун ва фармойишлар, йўриқномалар шундан далолат бериб турибди. Жорий йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталиши, айниқса, ана шу йилда тиббиётимиз равнақи ва салоҳиятига ўзига хос ғамхўрликдир.

Фарғона вилояти ҳам мамлакатимизда соғлиқни сақлаш йўналишида кечаётган қизғин ислоҳотлар жараёнидан мустасно эмас. Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини шаҳарникига тенглаштириш мақсадида, жойларда собиқ фелдшер-акушерлик пункти, қишлоқ-врачлик амбулаторияси ҳамда қишлоқ участка шифохоналари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари барпо қилинди. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, шифокор ходимлар эса умумамалиёт тиббиёт ходими йўналишида қайта тайёргарликдан ўтишди. Шунингдек, вилоят тиббиёт тизими билан параллел ҳолда, алтернатив хизмат — пуллик ёинки хусусий тиббий сектор ҳам шаклланди.

Бугунги кунда вилоятимизда 280 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритиб турибди. Улардан 214 таси "Саломатлик-1" лойиҳаси доирасида ташкил қилинган ва жиҳозланган. Жорий йилнинг ўзидаёқ 38 та қишлоқ врачлик пунктини реконструкция асосида тиклаш мўлжалланган бўлса, бу режа шу кунларда тўлиқ бажарилиши кутилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги даволаш муассасаларининг кўпчилиги қайта таъмирдан чиқарилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги ва жамоалар малакали шифокорлар билан таъминланганлиги қувонарли ҳолдир. Бошқарма тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш учун 2005-2006 йиллар ичида 4 миллиард 280 миллион сўмга яқин маблағ ажратилганлигининг ўзи ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами қанчалик кенглигидан далолат бериб турибди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, улар саломатлигини асраш ва юқори малакали тиббий хизматни йўлга қўйиш доимо диққат марказимизда туради. Вилоятда йирик туғруқ комплекслари ва бўлимларининг барпо қилиниши ҳамда замонавий жиҳозланиши, бу муассасалар фаолияти бугунги талаблар даражасига кўтарилганлигини ҳақли равишда қайд этиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Сафар

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали театри жамоаси пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибди.

Бадиий жамоа Тошкент аҳолиси, меҳмонлари ва театр санъати мутахассисларига ўзининг 3 та спектаклини намойиш этишни мўлжаллаган.

БАДИИЙ ЖАМОА ТОШКЕНТГА КЕЛДИ



Драматург Холиқ Хурсандов асари асосида "Қайсар чолнинг қилиғи" спектакли мусиқали фарс жанрида саҳналаштирилган ва янгича ечими туфайли томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Инсон учун энг бебаҳо ва азиз бўлган одамийлик, садоқат, меҳр-муҳаббат ҳамда самимийликни тараннум этувчи бу саҳна асари ўзининг бетакрор жозибаси билан томошабин қалбини забт этадиган бадиий юксак спектакл эканига шубҳа йўқ.

Таниқли адиб Темур Зулфиқоровнинг "Қафасдаги каклик" асарига татабу тарзида ёзилган сурхондарёлик шоир Шафоат Раҳматуллаевнинг "Шоҳ ва шоир" спектакли мусиқали поэтик ривоят жанрида бўлиб, XIV асрнинг икки буюк намояндаси соҳибқирон Амир Темур ва ҳазрат Ҳофиз Шерозийнинг мулоқоти ҳамда учрашувини акс эттиради. Ватан муқаддаслиги, муҳаббат буюклиги ва шеър санъатининг сеҳрли кучи юксак поғонага кўтарилган бу спектаклда ҳақиқат, адолат ва муҳаббат тантанаси, буюк шахсларнинг мардлиги ўз ифодасини топган.

Драматург Холиқ Хурсандов қаламига мансуб "Кампир топайми, дадажон" мусиқали комедияси халқимизнинг унутилаёзган фольклор-этнографик санъатини тиклаш, унга сайқал бериш ва бойитиш, давр талабига мос ҳолга келтириш каби эзгу вазифаларни бажарган. Спектаклда фақат миллатимиз минталитетига хос бўлган андиша, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳазиломуз ҳолатлар ўз аксини топган. Театр бу асарлари орқали халқимизнинг дилидаги орзу-умидларини улуғлаш воситасида аҳолини барча табақаларига, хусусан, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишдек оғир ва мураккаб вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жамоа мақсадига эришганми, йўқми, буни пойтахт томошабинлари аниқлайди, деган умиддамиз.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ

Жавоб

"УНУТИЛГАН ҲУДУД" ЭСГА ТУШДИ

«Hurriyat». 2006 йил 18 октябрь. "Унутилган ҳудуд".

Энг аввало, "Hurriyat" газетаси жамоасига бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири — экология, жумладан, атроф-муҳит тозалигига оид таҳлилий, танқидий ва ўқувчини фикрлашга ундовчи мақолаларни чоп этиш орқали кенг жамоатчилик эътиборини жалб этаётганлиги учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

"Hurriyat" газетасининг 2006 йил 18 октябрь 42-сонида "Унутилган ҳудуд" деб номланган мақолада кўтарилган муаммоли масала "ЭКОСАН" ташкилоти диққат-эътиборида. Бу борада бир неча бор телевидение кўрсатувларида танқидий материаллар тайёрланган. Айни вақтда Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани ҳокимияти билан боғланиб, ушбу муаммони ҳал қилиш борасидаги таклифларни ўрганмоқдамиз.

Сиздан илтимосимиз, таҳририят номидан Собир Раҳимов туман ҳокимлигига ҳам мурожаат этсангиз. Чунки мазкур ҳолатни бартараф этиш катта ташкилий ишларни талаб этади ва бу муаммони биргаликда ҳал қиламиз, деган умиддамиз.

Ю. Шодиметов,
"ЭКОСАН" раиси

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади.

"Hurriyat" газетасининг 2006 йил 18 октябрь 42-сонида "Унитилган ҳудуд" деб номланган танқидий мақола Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасида муҳокама қилиниб, чоралар кўрилди. Ободонлаштириш бош бошқармасининг масъул ходимлари Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш бошқармаси билан биргаликда Олимпия мавзесидаги чиқиндилар тўкилган ҳудудда ҳашар уюштириб, 3 кун мобайнида чиқиндилар олиб чиқиб кетилди, ҳудуд текисланиб қўйилди, ён атрофидаги ноқонуний қурилмалар бартараф этилди, дов-дарахтларга шакл берилди. Куз ва баҳор ойларида 10 минг дона дарахт кўчатлари экилиши режалаштиритилди.

А. РИЗАШОВ,
бошқарувчи в.б.

Мақола туман ободонлаштириш бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман санитария эпидемиология назорат маркази бўлими раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда кенг муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланди ва кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди.

Ушбу камчиликларга йўл қўйган масъул ҳокимият ва бўлим раҳбарларига нисбатан туман ҳокимининг 2006 йил 30 октябрдаги 279-ф сонли фармойиши билан маъмурий жазо белгиланди.

Ҳозирги кунда ушбу ҳудуд ободонлаштирилиб, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида чиқиндилар тозаланди, йўлаклар асфальт қилинди.

Б. ҲАКИМОВ,
Собир Раҳимов тумани ҳокими

Мақола юзасидан туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди.

Мақола Собир Раҳимов туманидаги аҳоли зич жойлашган ҳудудлар — Аҳмад Яссавий маҳалласи бир неча йиллардан бери ахлатхонага айлангани, чиқинди ташлаш учун махсус жой ажратилган бўлишига қарамасдан ахлатлар йўлларга ҳам бетартиб ташлаб кетилгани, бетартиб равишда қуриб ташланган гаражлар ҳам замонавий архитектура талабларига жавоб бермаслиги, шунингдек, Олимпия массиви, Тансиқбоев ва профессорлар шаҳарчаси ўртасидаги ҳудуд ҳақиқий чиқинди шаҳарчасига айланган, тўп-тўп хазонлар кун бўйи тутаб ётиши ҳақида ёзилган эди. Текширишда ушбу ҳолатлар тасдиқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича туман прокуратураси томонидан 2006 йил 31 октябрь куни туман Ободонлаштириш бошқармаси ва туман "10-Махсустранс" корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди ва 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Э. ШОДМОНОВ,
Собир Раҳимов туман прокурори вазифасини бажарувчи, адлия кичик маслаҳатчиси

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган



Мулоҳаза

ГАЗЕТАДА ГАЗЕТХОНГА ЎРИН БОРМИ?

ёхуд таҳририятларда газетхонлар мурожаатига қандай эътибор берилаётгани хусусида

Худди бугунгидек ёдимда. Биз университетда таҳсил олган талабалик йилларимизда домлаларимиз журналистика назариясига оид маърузаларида ҳар гал, газета — бу халқ минбари, миллионлар минбари. Шу боис, у жойга ташриф буюрган қаламкашми, мухлис ёки аризачими фарқи йўқ, улар учун муҳарририят эшиги доимо очиқ бўлмоғи керак. Чунки ундан барча ҳам ғоявий, ҳам маънавий озуқа олишлари мумкин деб уқтиришарди.

Домламизнинг берган юқоридаги ўгитлари гарчанд бу соҳада қабул қилинган муайян қонун ёки қарор вазифасини ўтамаса-да, унинг гаплари мантиқан тўғри деб ўйлайман. Чунки газета қайси давлат ва жамиятга хизмат қилишидан қатъи назар, унинг манфаатини ифодалаш билан кенг жамоатчилик фикрлари хилма-хиллигини ёритган ҳолда ҳамиша халқчил бўлиб, ҳукумат билан халқ ўртасидаги одил ҳакам ва айни чоғда воситачи — кўприк вазифасини ўтаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Яқинда газеталардан бирида ЎзМУ магистранти Нигора Тўхтамуродованинг "Эҳтиёткорлик қимматга тушмасин" рукни остида чоп этилган "... Касб масъулияти" сарлавҳали мақоласини ўқиб, унда кўтарилган шу куннинг долзарб мавзуси биргина "Нуроний" газетасигагина эмас, балки республикамизда чоп этилаётган бошқа қатор нуфузли газеталарга ҳам тегишли деб ўйлайман. Бундай дейишимизга бирмунча асослар, керак бўлса далилий исботлар бор. Бошқа соҳалардаги каби қалам соҳибларининг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи қонун ва ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар борки, улар сирасига "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ва "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларни киритиш мумкин.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунда фикрлар хилма-хиллигини ёритишга алоҳида эътибор берилган. Унинг 3-моддасида:

"Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир", дейилади. Қолаверса, ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилаётгани муносабати билан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштирилишини таъминлаш, фаоллаштириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида цензура бекор қилинди.

Минг афсуслар бўлсинки, амалда турли бюрократик тўсиқ ва қатор муаммоларга дуч келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Хабар

ФЕРМЕРЛАР ИТАЛИЯГА САФАР ҚИЛАДИ

Мамлакатнинг бошқа вилоятлари қаторида Фарғона вилоятида ҳам ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Ижтимоий муҳофаза, меҳнат билан бандлик, ҳуқуқ ҳимояси, ерга ва табиатга тўғри муносабат каби долзарб масалаларда салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўз йўлида, ана шу ислоҳотлар билан ёнмаён ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Иттифоқи дунёнинг кўплаб минтақалари қаторида бу худудларга ҳам инсонпарварлик ёрдам қўлини чўзаётганлигини эътироф этмоқ ўринлидир. Фарғона шаҳридаги «Осиё» меҳмонхонасининг конференция залида ўтказилган Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг «Фарғона вилоятида турмуш даражасини ошириш» лойиҳаси фаолиятига бағишланган матбуот конференциясида айнан ана шу саъи-ҳаракатлар доирасида гап борди.

Матбуот анжуманига таклиф этилган республикамиз оммавий ахборот воситалари намояндалари ва вилоят матбуоти ҳамда телевидение таҳририятлари журналистлари кун тартибидаги мавзу юзасидан фаол фикр-мулоҳазалар юритишди.

«Турмуш даражасини ошириш» дастурининг регионал координатори Лаура Рио, халқаро маслаҳатчи Пиера Виала, лойиҳа менежери Бахтиёр Сайфитдинов, мутахассис Комила Раҳимова ва бошқалар билан мулоқотлар ҳамда савол-жавоблар жонли тус олди. Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларидаги турмуш шароити, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқ таълимини янги поғоналарга олиб чиқиш, деҳқон-фермерлар фаолиятига боғлиқ муаммолар устида гап борди.

Лойиҳага кўра биринчи галда Риштон ва Боғдод, Сўх ва Фарғона туманлари аҳолисининг ижтимоий муҳофазага муҳтож табақасига моддий ёрдам кўрсатилади. Фермерлик ҳаракатининг пешқадам намояндалари тажриба ўрганиб келиш учун қишлоқ хўжалиги ғоят ривожланган ва табиатан Фарғона водийсига ўхшаш бўлган Италия мамлакатига сафар қиладилар.

С. ҚАҲҲОР,
«Hurriyat» мухбири

ГАЗЕТАДА ГАЗЕТХОНГА ЎРИН БОРМИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бюрократик тўсиқлар деганда мен асосан қуйидагиларни назарда тутмоқдаман: ТВ ва радиоларни-ку қўяверинг... Эфирга чиқиш мақсадида таклиф этилсангиз ёки ўз ихтиёрингиз билан борсангиз, хизмат гувоҳномангизнинг ҳеч қандай амалий аҳамияти йўқ. Агар ёнингизда паспортингиз бўлмаса, сизни ҳеч ким киритмайди. Бундай ҳолатлар республика микёсидаги, ҳатто айрим тармоқ газеталарига ҳам тегишлидир. Тўғри, сақланганни Яратганнинг ўзи сақлайди деганларидек, ҳар недан огоҳ ва ҳушёр бўлганимиз маъқул, албатта. Шу боис ҳам у жойларда шундай ички тартиб ўрнатилгандир, балки...



Лекин нима бўлганда ҳам, матбуот халқ, демакки, миллионлар минбари эканлигини ҳам унутмаслигимиз, томошабин, эшитувчи, газетахону муштарийларни бундай мўътабар даргоҳга келиб, у ёки бу юмушлари билан мурожаат этишларига қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоғи мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

Инсон зоти ҳамма нарсага кўникма ҳосил қиларкан. Бунисига ҳам кўникдик, дейлик. Лекин ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва иқтисодий ислоҳотларни қай даражада амалга оширилаётгани хусусида газеталарга хабар ёхуд мақола, қўйингки турли жанрлардаги қўлёзмалар билан мурожаат этсангиз, антиқа тартиб ўрнатилганини гувоҳи бўласиз.

Одатда газетага келган хат-хабару мақолалар биринчи навбатда хатлар бўлимига келиб тушади ва бўлим ходимлари томонидан алоҳида иш юритиш дафтарида қайд этилганидан сўнг бош муҳаррирга, у таътил, хизмат сафарида ёхуд бетоб бўлиб қолса, бош муҳаррир ўринбосарига киритиладилар. Бош муҳаррир ёки унинг ўринбосари келган хат-хабарни кўриб уларнинг мазмун-мундарижасига қараб, имзоси қўйилган ҳолатда яна хатлар бўлимига қайтарилади ва ундан сўнг тегишли ижрога чиқарилади.

Ва уларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилар, бирорта хат-хабар эътибордан четда қолмасди. Агар келган хат-хабарлар бир хил йўналишда ёки мазмунда бўлса, штатсиз мухбирларни ранжитиб қўймаслик, фаоллигини сўндирмаслик учун хатларга шарҳ (обзор бериларди. Унда ҳар бир мақола муаллифининг исми ва шарифи алоҳида кўрсатиб ўтиларди. Мабодо муҳарририятга келган хат-хабар ёки мақола газетада босишга лозим топилмаса, унинг камчилик ва нуқсонлари кўрсатилгани ҳолда мақола муаллифига албатта жавоб хати юбориларди. Шу боисданми, газета саҳифаларида чоп этилган мақоларнинг 60-70 фоизи ташқаридан жалб этилган штатсиз мухбирларники бўларди. Натижада кундалик даврий нашрларда эълон қилинган мақолалар мазмун-моҳияти, географик ўрни, техник безаги жиҳатидан ранг-баранг ҳамда ўқимишли бўлар, шу боис матбаа тарқатувчи дўконлардан газетхону мухлислар кети узилмасди.

Ҳозир-чи? Ҳозир бунинг мутлоқ акси десак ҳам муболаға қилмаган бўламиз. Аксарият газета саҳифаларида чоп этилаётган мақола ва хат-хабарлар (ондасонда учрайдиган баъзи "ўгай" мухбирларни жойлардан ёзган шингил мақолаларини ҳисобга олмаганда) ўша газетанинг махсус мухбирларининг ёки чет эл матбуотидан кўчириб олинган узуқ-юлуқ расмий хабарлардан иборат бўлиб қолмоқда. Назаримизда бундай газеталар ўша ерда фаолият юритаётган қалам соҳибларининг монополиясига айланиб қолгандек туюлади. Айримлари ўзларининг турли хил кўнгилсизликлардан соқит қилиш мақсадида "муаллиф нуқтаи назари таҳририятникидан фарқ қилиши мумкин, мақолада келтирилган фактлар учун муаллиф жавобгар", деган ажабтовур изоҳни ёзиб қўйишган. Улар бу билан масъулиятдан қочиб, газетхонлар олдидаги бурч ва вазифаларини унутиб қўйишганга ўхшайди.

Фикрим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун уни республикамиздаги газеталардан бирига "Чимён" сиҳатгоҳи ёнидаги қир-адирлардан янги ер очиб, боғ-роғ барпо этишга киришган меҳнаткаш инсон ҳақида "УМРБОҚИЙЛИККА ДАЪВАТ" сарлавҳали мақола берганим билан изоҳламоқчиман. Мақоланинг тақдири бўйича уч-тўрт марта телефонлашганимдан сўнг газетага киришга тўғри келди. Мақолани масъул котиб хонасидан бир амаллаб топдик. Йўқотиб юборишмаганларига шукрона айтиб мақолага кўз ташласам, асл нусхасининг учдан бири ҳам қолмабди. Бошқача айтганда "эти менга, суяги сенга" деганларидек, ўқувчига суяги қолиб, илиги олиб ташланибди. Мақолани газетага топширганимга олти ой ўтаётган бўлишига қарамай, ҳанузга қадар босилмаганига афсус қилиб, йиқилган курашга тўймас деганларидек, яна бошқа бир мақоламни топшириб чиқдим. Буниси қачон чиқади билмайман.

Бошқа бир газеталарнинг ташкилот, корхона, хўжалик ва муассасалар ҳақида ижобий мақола ҳамда табриклардан тушадиган моддий манфаатдорлик кетидан қуваётгани оқибатида МИЛЛИОНЛАР МИНБАРИДАН ПУЛ МИНБАРИГА айланиб қолаётгани кўзга ташланмоқда.

Бошқа касб-кордагилардан фарқли ўлароқ ҳамкасбларимнинг барча билиб-билмай қилган хурмача қилиқларини тушиниш мумкин, аммо айрим газета ходимларининг жойларга бориб ёритмоқчи бўлган мавзуси бўйича ашёвий далил тўплаш, репортаж ва интервьюлар олишдан аввал таъмагирлик қилиш, ҳали ёзиб улгурмаган мақоласи учун "қалам учи" олишга уринишларини асло кечира олмайман. Чунки улар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда тинибтинчимас, ҳалол ва покиза меҳнати билан бошқа соҳа ходимларидан тубдан ажралиб турмоғи лозим деб ўйлайман.

Мирза КАРИМИЙ

Архивдан

Одил Олимжонов асрлар давомида Фарғона водийсининг маънавий ва маърифий марказларидан бири бўлиб келган Сафед Булон қишлоғида дунёга келган.

ОЛИМ ВА ИЖОДКОР УКАМ

Қишлоқда ислом фидойилари шаънига кўплаб ёдгорликлар қурилган. Улардан айримлари шу кунларгача етиб келган. X аср охири ва XI аср бошларида барпо этилган "Шоҳ Фазл" тарихий-меъморчилик ансамбли ЮНЕСКО томонидан жаҳон меъморчилик санъатининг дурдоналари рўйхатига киритилган ва энг муҳими муқаддас қадамжолардан бири ҳисобланади. Айтишларича, бу юртлардан ҳаж қилгани борганлардан "Шоҳ Фазлни тавоф қилганмисиз?" деб сўрашаркан.

Одилнинг Шайхбобо шайх, Сиддиқ шайх, Бобо шайх, Аъйзон шайх каби авлод-аждодлари бу юртнинг мўътабар шахслари бўлишган. Улар халқнинг диний, илмий, маданий ва маърифий меросини авлоддан авлодга етказишга, миллий қадриятларимизнинг сақланиши ва ривожланишига муҳим ҳисса қўшган уломои икромлардан саналишади.

Қаҳрамонимизнинг бобоси атроф қишлоғу кентларда ҳалоллиги, тўғрисўзлиги, чапанилиги билан обрў қозонган Жўра Билол Шайх ўғли набираси Одилнинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Бобо неварасини асрлар давомида ўлмай келаётган ҳақиқий халқано тарбия кўришига жуда қаттиқ ҳаракат қилди.

Кейинчалик отаси Олимжон ака фарзандини ёнида олиб юриб, ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий муаммоларини, турмуш чигалликларини ечишни ўргатди. Қолаверса, Сафед Булон тупроғининг ўзига хос маънавий-тарбиявий муҳити унинг дунёқараши ва характери шаклланишига таъсир кўрсатди. Натижада Одил нисбатан тез улғайди, эрта шаклланди, энг асосийси, турмуш муаммоларини тез фаҳмлайдиган, уларга ўз вақтида жавоб топишга интиладиган, билимнинг, меҳнатнинг қадрига етадиган бўлиб ўсди.

Одил Олимжонов Тошкент халқ хўжалиги институтининг "Молия ва иқтисод" факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади ва аспирантурага тавсия этилди. Москва молия институтида номзодлик диссертациясини муддатидан олдин муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ўлкамиз узра ҳуррият нафаси сезила бошлаган кезларда О. Олимжоновга Санк-Петербург иқтисодиёт ва молия университети "Молия" кафедраси доктаранурасига йўлланма берилди.

Фақатгина мустақиллик шарофати билангина у Ўзбекистонда расман биринчи бўлиб, "Молия, пул муомаласи ва кредит" мутахассислиги бўйича фан доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Мустақил юртнинг молиячи фан доктори ўша пайтда эндигина 35 ёшга кирган бўлиб, унинг докторлик илмий иши суверен давлат аграр соҳасининг молия тизимини шакллантириш муаммоларига бағишланган эди.

У ёш мустақил давлатнинг мустақил бошқарув ва иқтисодий тизимларини шакллантириш, иқтисодиёт, бошқарув, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни маҳкамавий-буйруқбозлик асоратларидан қутултириб, бозор иқтисодиёти талаблари асосида бутунлай қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий фундаментини яратишга хизмат қила оладиган янги қонун, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш жараёнларида фаол иштирок этди. Шу тариқа катта тажриба тўплади.

О. Олимжонов 1999 йилдан бошлаб Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ишга ўтказилди. У айни пайтда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимига кирадиган 19 та илмий-текшириш институтлари, 100 дан ортиқ тажриба хўжаликлари, бўлим, станция, филиал ва бошқа муассасалар фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Домла Юртбошимиз томонидан мамлакат мустақил иқтисодиётини шакллантириш соҳасида ишлаб чиқилган фундаментал ғояларни кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилиш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Бу борада унинг телевидение ва радио тўлқинларида, турли даражадаги йиғинлардаги кўплаб чиқишлари ҳамда марказий газеталарда эълон қилган 40 дан ортиқ публицистик мақолаларини эслаш мумкин.

Германия, Англия, Франция, Голландия, Белгия, Туркия, Таиланд каби давлатларнинг давлат бошқаруви, молия, солиқ, банк иши, менежмент, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти, олий мартабали кадрлар тайёрлаш тизими соҳалари бўйича тажрибасини ўрганиб келган.

Фарзандларинг сенинг йўлингни давом эттиришининг ўзига хос хислати бор. Унинг ҳар иккала фарзанди ҳам ота касбини танлашди. Жаҳонгир Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Москва молия академияси «Халқаро молия-кредит ва валюта муносабатлари» кафедраси аспирантурасида, Санжар эса Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» мутахассислиги бўйича магистратурада таҳсил олишмоқда.

О. Олимжоновнинг муҳим сифатларидан бири амалиёт масалаларига олим кўзи билан, фан муаммоларига эса амалиётчи нуқтаи назаридан ёндаша олишидир. У мамлакат иқтисодиётининг долзарб муаммолари тўғрисида, шу жумладан, республика иқтисодий мустақиллигини таъминлаш масалаларига бағишланган 21 та китоб ва 110 та мақола эълон қилган. Долзарб мавзуларга бағишланган айрим мақолалари ўнлаб хорижий тилларда чоп этилган.

Ўйлаб қарасам, биз ҳам шоир бўлиб, ижодкор бўлиб, шундан сал озроқ китоб, шундан сал кўпроқ мақола ёзган эканмиз. Шунча қоралама қилган одамни мен чин ижодкор деб биламан. Сирасини айтганда, Одилжонда ижодкорликдан ҳам бор. Бекорга бир вақтлар журналистика факультетига ҳужжат топшираман демаган. Хайриятки, у туғилган қишлоқ мактабида чет тили тўла ўқитилмас эди. Хайриятки деганимнинг боиси шуки, мабодо ўшанда ўқишга кириб кетса, ҳозир юрардилар ҳаммамизнинг нонимизни яримта қилиб. Шундай деб ҳазиллашаман. Одилжон кулади. Чиндан ҳам унга худойим ижоддан ҳам юқтирган. Бир вақтлар газеталарда шеърлари чиққан, ҳикоялар ёзган. Ёш ижодкорлар республика танловларининг ғолиби бўлган. Тарихни яхши билади, адабиётнинг билимдони, янги чиққан китобни қўймай ўқиб чиқади. Бип-бинойидек танқидчи, унча-мунча асарни чизиб ташлайди, туппа-тузук таҳрирчи. Ана шундай серқирра бизнинг Одилжон. Мен ўзимнинг шундай укам, дўстим, маслакдошим бор эканлигидан фахрланаман.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳабиб Саъдулла "Hurriyat"ни ўзига яқин оларди. Газетага тез-тез келиб турар, янги мақолаларини бизга илинарди. Ҳатто бир гал ҳазиллашибми, чин қилибми, "Hurriyat"нинг Намангандаги мухбирлигини орзулаганди...

Ўзига хос иқтидор ва ҳаётий мезонларга эга бўлган Ҳабиб Саъдулла кишиларнинг ютуғидан қувонишни биларди, ўзгаларнинг муваффақиятини ўзиникидек қабул қилиб, хурсандчилигини матбуот саҳифалари орқали ўртоқлашишни ёқтирарди. Юқоридаги мақола ҳам шундай кайфият маҳсули сифатида ёзилган. Бироқ у ижодкорнинг бисотида эълон қилинмай қолиб кетганди...

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат

САЙТНИНГ ҚАЙСИ БЎЛИМИ МАЪҚУЛ?

www.hurriyat.uz сайтида ўтказилган ижтимоий сўров натижаси

Газетамиз Интернет сайтида ўтказилган социологик сўровда ҳозирга қадар 156 киши иштирок этди. "Сизга сайтимизнинг қайси бўлими маъқул бўлди?" деган саволга қуйидагича жавоблар берилди.

Фойдали сайтлар	33 (21 %)
Муаммо ва танқид	29 (18 %)
Халқаро воқеалар	22 (22 %)
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт	20 (13 %)
Карикатура	12 (8 %)
«Бешинчи уммон»	12 (8 %)
Журналистика	12 (8 %)
Маънавият	9 (6 %)
Ҳуқуқ	9 (6 %).

Манба: **www.hurriyat.uz**

Акс-садо

ПЛАГИАТОР

Унга бефарқ бўлмайлик

"Hurriyat" газетасининг 2006 йил 1 ноябрь сонида босилган "Плагиатор" мақоласини ўқиб таъсирландим. Шу тубанликка етиб бордикми? Шоиру ёзувчиликка даъво қиладиган ёшларимиз кўп. Уларнинг ёзганларини баъзан ўқиб қоламиз. Майли, бунга чидаса бўлар, лекин Ф. Абдуллаевнинг бу қилган иши ёзувчи ва таржимонга ҳурматсизлик, беписандлик, беадаблик бўлиши билан бир қаторда ғирт ўғирлик-ку.

Ўғрига жазо берилиши керак. Менимча, ёмон қовуннинг уруғидек кўпаяётган бундай асарларнинг (агар асар деб айтолсак) чоп этилишига нисбатан жиддий курашиш вақти келди. "Таҳририят босилган материал мазмун-моҳияти учун жавобгар эмас", деган билан иш битмайди. Муҳаррир газетасида кўринар-кўринмас қилиб бундай изоҳ бериши мумкин, лекин босилиб чиққандан кейин бекор қилиб бўлмайди — уни минглаб одамлар ўқийди.

Африкалик адиб узоқда бўлса, "ўғри" жазосиз қолиб кетаверадими? Менимча, жаноб Ф. Абдуллаев "Парвона"дек таниқли газетани алдагани учун қонун олдида жавоб бериши керак. Сўзимни "Hurriyat"нинг шу сонидаги Р. Мажнунованинг "Қадр ташвиши" мақоласидаги сўнгги фикри билан тугатаман: "Ахир Мустақилликни мустаҳкам ушлаб турувчи устунлардан бири, ёмон кўзлардан, носиқ сўзлардан асрагувчи Сиз билан Биз эмасми, Азизлар".

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
Навоий вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, Фарғона, Кўқон ва Марғилон шаҳарлари марказида қад ростлаб, малакали хизмат кўрсатаётган замонавий туғруқхоналар бунинг инъикосидир.

Вилоят Туғруқ уйларида бехатар оналик дастурининг жорий қилиниши туфайли бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Ҳозирда ҳар бир ҳомиладор аёл туғруқ жараёнида ўзи истаган яқин кишиси билан бирга бўлиши мумкин. Бу усул кўзи ёраётган аёлни руҳан тетиклаштиради. Дори-дармон билан туғруқни оғриқсизлантиришга бўлган эҳтиёжини камайтиради.

Бехатар оналик дастури бўйича эндиликда меъёрида кечаётган туғруқ жараёни дори-дармонсиз олиб борилмоқда. Бундай дастурлар дастур киритилгунига қадар умумий туғруқхоналарнинг атиги 14,4 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 79,6 фоизни кўрсатиб турибди.

"Она ва бола скрининги" давлат дастури бўйича вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг кўламда йўлга қўйилган. Шу жумладан, бир қатор олийгоҳлар ва коллежларда ёшлар ва ўсмирлар учун саломатлик омиллари, соғлом турмуш тарзи хусусида семинарлар, савол-жавоб мулоқотлари ташкил этилмоқда.

"Саломатлик" институтининг Фарғона вилоят филиали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Жумладан, жорий йил бошидаёқ вилоятдаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган "Саломатлик саволжавоб мулоқотлари" дастури ишлаб чиқилган эди. Шунга асосан, орадан ўтган 10 йил ичида 6 мингга яқин ана шундай тадбир амалга оширилди.

ҚИШЛОҚ ТИББИЙ ХИЗМАТИ ШАҲАРНИКИГА ТЕНГЛАШАДИ

Вилоятимизда тиббиётнинг хусусий сектори ҳам йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бу секторнинг шаклланиши тиббий хизмат кўрсатишнинг рақобат асосида ривожланиши учун асос яратди. 1996 йилда вилоят бўйича хусусий фаолият юритаётган муассасалар томонидан топилган маблағ аҳоли жон бошига 73 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич айни пайтда 870 сўмга етиб турибди.

Вилоятимиз соғлиқни сақлаш тизими ҳақида сўз юритарканмиз, энг аввало, кўз ўнгимизда халқ саломатлигини асрашда фидойилик кўрсатиб келаётган кўпдан кўп таниқли шифокорлар гавданалади. Республика шошилинч тиббий-илмий Маркази Фарғона филиалининг жарроҳлик бўлими бошлиғи Баҳодир Тожибоев, вилоят юқумли касалликлар бош шифокори Қодирҳожи Азимов, Сўх тумани сил касалликлари ҳакими Парпибой Ашуров, қувалик эпидемиолог Турғун Султонов, Охунбобоев туманидан рентгенолог Давлат Турсунов, қўқонлик анколог Махсудахон Исломова ва бошқаларни келтириш мумкин.

Бизда яна шундай мўътабар инсонлар борки, улар шифокорлик касбига, ўз бурчларига узоқ йиллардан бери садоқат ва ҳалоллик билан ёндашиб, бетиним изланиш, ташкилотчилик, заҳматкашлик ва ажойиб инсонийлик фазилатларини намоён этганлари ҳолда, элу юртнинг иззат-икромини қозониб келмоқдалар. Ана шу ўринда бугун Марғилон юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳакими Турғунҳожи Нишонов ҳамда Тошлоқ туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Рўзимат Шерматов каби фидойи, мураббий шифокорларимиз номини юксак эҳтиром билан тилга оламиз.

Албатта, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизда ишлар кўнгилдагидек боряпти, деган хулосадан йироқмиз. Биз ўз фаолиятимизни истиқлол ислоҳотлари ва давр талаблари даражасида йўлга қўйиб олишимиз учун ҳали анча изланиш ва тер тўкишимизга тўғри келади. Бу ўринда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савиясини янада оширишимиз кераклигини, шифокорларимизнинг ва ўрта тиббий ходимларимиздан ҳар бирининг ўз бурчларига садоқати ҳамда ҳалол муносабатини таъминлашимиз лозимлигини вақтнинг ўзи тақозо этиб турибди. ®

Шавкат ҲУСАНБОЕВ,
Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Ахлоқ

КУЁВНИНГ САБОҒИ

Эшматвойнинг ёши элликка кирса ҳам эси кирмади. Ўғил уйлаб, қиз чиқарди, ўзини ичкиликдан тиядиган вақт бўлди, ахир. Бугун яна унинг узоқдан бир томонга қийшайиб келаётганини кўриб хотини — Холпошша эрининг ширакайфлигини дарров пайқади.

— Саломат бўлгур, қачон сизга Худо инсоф бериб, ичкиликни ташларкансиз? — дея ғудранишни бошлади хотини.

— Эй, менга инсоф тилагунча ўзингга иймон тиласанг бўлмайдими? Ким айтди сенга мени, инсофи йўқ деб. Ичсам ўзимнинг пулимга ичяпман. Ё, сен бирор сўм бериб қўйяпсанми? — дея ўдағайлади Эшматвой.

Бошқа вақт бўлганда-ку, Холпошша инсоф нимадалигини боплаб пияниста эрига тушунтириб қўйган бўларди. Лекин ҳозир уларнинг уйида меҳмонлар бор. Яқиндагина турмушга узатган қизи куёви билан меҳмонга келишган. Хотини қўлидаги капгирни қозоннинг четига бир-икки урди-да, ошни дамлашга чоғланди. Аммо бутун диққат-эътибори шердек ўкириб турган эрида эди. Вазиятни тўғри тушунган аёл энди муғомбирликка ўтди:

— Вой дадажониси, ўзим айланай сиздан. Уйимизда меҳмонлар бор-а, — деганича ичкари хонадонга боши билан ишора қилиб қўйди.

— Меҳмон, яна қанақа меҳмон келади? — эрини ҳозирги бироз букилиб, тебраниб туриши сўроқ белгисини эслатарди.

Хотини овозини пастлатиб:

— Насиба қизингиз куёви билан келишибди, — деди.

Куёв сўзини эшитган Эшматвой бироз ҳушёрроқ тортди-да, бир-икки ҳиқичоқ тортиб:

— Куёв бола баҳонасида юз-юз урарканмиз-да? — деганича меҳмонлар олдига кириб кетди.

Куёвни пайғамбаримиз ҳам суйган. Хонадон тўрида қават-қават тўшаклар устида ўтирган истараликкина куёв бола қайнотасини кўриши билан ўрнидан турди-да, қуюқ кўришди. Куёви ва қизи билан ҳол-аҳвол сўрашгач, қайнота орқасидаги ёстиққа суяниб ўтирди. Хонтахта устига ёзилган дастурхонда ҳамма ноз-неъматлар бисёр эканлигини кўриб:

— Яхши, — деб қўйди-да, кейин дастурхонда анави бўйни узун зормондадан йўқлигидан:

— Ие, ҳалиги бизни қиттай-қиттай урадиган шишаларимиз кўринмайди? — дея безовталана бошлади.

Куёв бола бўлса бироз тортиниб:

— Дада, тўғрисини айтсам, мен сира ичмайман? — деди.

Чой қуйиб узатаётган қизи ҳам унинг гапини маъқуллагандай дадасига қараб қўйди.

— Ие, шундайми? — деганича Эшматвой қулоғига қадар қизариб кетди.

Отасининг аҳволини тушунган қизи ўзини қаерга қўярини билмай уялганидан ерга қаради.

... Шу воқеа сабаб бўлди-ю, Эшматвойнинг эси кирди, ичкиликни ташлади.

Анваржон ҲАЛИМОВ

Дараклар

НАЗАРБОЕВ ҚИМОРХОНАЛАРНИ КЎЧИРАДИ

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев ўйинхона ва қимор-хоналарни республиканинг Қапшағай ва Шучинск шаҳарларига кўчиришни таклиф қилди. Президентнинг мазкур қарори ҳақида унинг расмий сайти орқали хабар тарқатилди.

Нурсултон Назарбоев парламентга "Кўнгил очиш ва ўйинхоналар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини зудлик билан кўриб чиқишни тайинлаган. Қонун лойиҳасида 2007 йилнинг 1 январидан кўнгил очиш жойлари ва ўйинхоналар Олмаотанинг жанубига ва Остонанинг шимолидаги шаҳарларга кўчирилиши керак. Молия вазирлигининг маълумотига кўра, ҳозир Қозоғистонда 132 қиморхона, 2 минг ўйинхона мавжуд.

РОССИЯ БМТ РЕЗОЛЮЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТДИ

Россия БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга оид резолюциясига "АҚШни қаноатлантирмайдиган ўзгартиришлар киритди", деди Қўшма Штатларнинг БМТдаги элчиси Жон Болтон.

Унинг сўзларига қараганда, Россия томонининг резолюцияга киритган ўзгартиришлари АҚШ таклиф қилган ҳужжатдаги бир қанча чекловларни йўққа чиқарган. Жон Болтон мазкур муаммо юзасидан Оқ уй билан маслаҳатлашиши лозимлигини билдирган. Кенгашнинг чоршанба куни ўтказиладиган муҳокамасига резолюция лойиҳаси ҳам киритилган.

Лойиҳага Россия киритган ўзгартиришлар нималардан иборат эканига Болтон изоҳ бермаган. Шу куни Россиянинг БМТдаги элчиси Виталий Чуркин Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар эътиборига "илгари ҳал этилмай қолган техникавий масалаларда кенгроқ изоҳ берилган"ини баён қилди.

Эслатиб ўтамиз, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Теҳронга нисбатан тайёрлаётган резолюциясида, мабодо Эрон ўзининг ядро дастури юзасидан барча технологик жараёнларни тўхтатмаса, унга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши белгиланган. Эрон томони эса мамлакат ядровий изланмаларидан фақат тинчлик мақсадлари кўзланганини баён этиб келади.

КОКОЙТИ ГРУЗИЯНИ ОРТДА ҚОЛДИРМОҚЧИ

Жанубий Осетиянинг қайта сайланган президенти Эдуард Кокойти Россиянинг тиббиёт ва таълим соҳасидаги миллий дастурларини республикага жорий қилиш ниятида эканини эълон қилди.

Кокойтининг таъкидлашича, Жанубий Осетиядаги турмуш даражаси аллақачон Грузияга нисбатан анча юқори ва Грузиядан мустақиллигини эълон қилган республика раҳбариятининг эндиги қадамлари халқнинг ижтимоий аҳволини кўтаришга қаратилади.

Сайловолди дастурида Кокойти маъмуриятининг тиббиёт, республика аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, шифохоналар барпо этиш, уруш туфайли вайрон бўлган дам олиш масканларини қайта тиклаш, гиёҳвандлик ва арақхўрликка қарши курашиш кабиларга алоҳида эътибор беришини баён этганди.

Кокойти таълим йўналишида ҳам мактабларни таъмирлаш, уларни компьютерлаштириш, кутубхоналар фондини бойитиш, ўқитиш тизимини тубдан қайта ислоҳ қилиш, ўқитувчилар маошини ошириш, шунингдек, республика ёшларининг Россияда таълим олишлари учун барча шароитлар яратилишини ваъда қилган.

СОХТА ДОЛЛАРЛАР

Колумбия ва Шимолий Корея давлатлари сохта доллар ишлаб чиқариш борасида дунёдаги энг етакчи ўринда туради. Бу ҳақда АҚШда эълон қилинган ҳисоботда маълумот берилган.



Америка молия вазирлиги ҳамда махсус хизмат ўтказган текширувлар шуни кўрсатдики, жаҳон миқёсида тарқалган 10 мингта доллар банкнотидан биттаси сохта.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ахборот технологияларининг кенг ривожланиб кетгани валютани сохталаштиришни осонлаштирмоқда.

Дарвоқе, олдинги йилларда доллар "ясаш" борасида биринчи бўлган Болгария бу сафар қуйи ўринларга тушиб кетди. Сабаби, яқиндагина Европа Иттифоқига аъзо бўлган Шарқий Европа мамлакатидаги сохта пул ясовчилар ўз валюталари — евро билан шуғулланишни маъқул кўрмоқдалар.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда дунё миқёсида 750 миллиард АҚШ доллари муомалада ишлатилмоқда. Эътиборли жиҳати, бу маблағнинг асосий қисми — 450 миллиарди Америкадан ташқарида, бошқа хорижий давлатларда қўлланмоқда.

Америка махсус хизмати маълумотида айтилишича, жаҳон миқёсида 70 миллион доллар миқдоридаги сохта пуллар тарқалган.

Америкага наркотик моддалар етказиш борасида биринчи саналган Колумбия сохта валюта тайёрлашда ҳам етакчиликни эгаллади. Лотин Америкаси мамлакатида сохта долларларнинг 15 фоизи тайёрланган.

Бу борада иккинчи ўринда турган Шимолий Кореяда ясалган сохта банкнотларни аслидан ажратиб олиш жуда қийин. Махсус хизмат ҳисоботида айтилишича, сохта доллар тайёрлаш жараёни бевосита Ким Чен Ир бошчилигида ҳукумат томонидан назорат қилинади. Кузатувчилар фикрича, Вашингтон билан душманчилик муносабатида бўлган КХДР раҳбарияти доллар ишлаб чиқариш орқали Америкага қарши ўзига хос усулда курашмоқда.

"АЛ-ҚОИДА"НИНГ ТАҲДИДИ

Фаластинлик қочқинлар Наҳр ал-Барад лагерида "Ал-Қоида" вакилларининг Ливан ҳукуматини ағдариш таҳдидлари битилган варақалар тарқатган. Бу ҳақда Буюк Британияда араб тилида нашр этиладиган "Al-Hayat" газетаси хабар тарқатган.

«Ташкилот аллақачон Ливанда фаолият олиб боряпти ва коррупция ботқоғига ботган, Америка мусиқасига ўйнаётган қўғирчоқ Ливан ҳукуматини қудратдан кетказишга эришади", деган сўзлардан иқтибос келтиради Associated press. «Мурожаатнинг ташкилот томонидан тарқатилгани борасида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ», деди Ливан ахборот вазири Фози Аридий. Шу куни Ливан ҳукумати собиқ бош вазир Рафиқ Ҳаририйнинг ўлими билан боғлиқ текширув юзасидан трибунал тузиш таклифини БМТга киритиш масаласини тасдиқлади.

Аридийнинг таъкидлашича, бу трибунал ташкил этиш таклифига қарши маҳаллий диний мутаассибларнинг ҳаракати ҳам бўлиши мумкин. "Al-Hayat" "Ал-Қоида"нинг мазкур мурожаатини қандай қўлга киритгани борасида изоҳ бермаган. Наҳр ал-Барад расмийлари қочқинлар орасида ҳеч қандай мурожаатнома тарқатилмаганини иддао қиляпти.

"Ал-Қоида" Ливан ҳудудида жуда кам террорчилик амалиётлари қилган, бироқ кузатувчилар қочқинлар лагерларида уларни қўллаб-қувватлайдиганларнинг мавжудлигига шубҳа билдирмаяпти. Ливан ички ишлар вазири Аҳмад Фатфат жорий йилнинг ўзида мамлакат хавфсизлик кучлари "Ал-Қоида"нинг тўртта махфий ташкилотини фош қилганини маълум қилди.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА ва Санобар ИНОЯТОВА тайёрлади

Нигоҳ

ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Демократлар ғалабаси жиддий сиёсий ўзгаришларни бошлаши мумкин

Ўтган ҳафта Америка Қўшма Штатларида йирик сиёсий тадбир — парламент ва ижроия ҳокимияти сайловлари бўлиб ўтди. Конгресснинг қуйи ва юқори бўғини — Вакиллар палатаси ва Сенат сайловида ҳам, айрим штатлар губернаторлари учун овоз бериш жараёнида ҳам амалдаги ҳукуматни бошқараётган республикачилар партиясига мухолифатда бўлган демократлар ғалаба қозонди.

Шу тариқа мамлакат сиёсий саҳнасида чигал бир вазият вужудга келди. Давлат раҳбари — президент республикачилар вакили бўлгани ҳолда, мамлакат парламентининг иккала палатасини мухолиф партия ўз назорати остига олди. Дунё сиёсатида етакчи бўлишга уринаётган мамлакатда юзага келган янги сиёсий тизим эса жиддий ўзгаришлардан далолат бераётгандай...

Республикачилар партиясининг оташин сайловолди чиқишлари ҳам, президент Жорж Бушнинг мамлакат бўйлаб поездда юриб ўтказган тарғибот кампанияси ҳам бу сафар фойда бермади. Ҳаттоки олдинги президентлик сайловида Бушнинг осонлик билан Жон Керридан "улоқ"ни илиб кетишига сабаб бўлган террорчи Усама бин Лодин омили ҳам бу гал самара бермади (Миллий хавфсизлик масаласини ҳар галгидай биринчи планга олиб чиққан республикачилар агар демократлар парламентга сайланса, Усома бин Лодин яна Америкага таҳдид қилиши мумкинлиги тўғрисидаги телевизион роликларни тинимсиз намойиш қилишганди).

Президент бошчилигидаги республикачилар навбатдаги жиддий сиёсий синовдан ўтишолмади. Демократлар 12 йиллик танаффусдан кейин яна Конгрессни "забт" этишди.

Конгресснинг қуйи бўғини — Вакиллар палатасининг 435 ўрни учун бўлган сайловда демократик партия яққол пешқадамлик қилди. 1792 йили миллат "ота"ларидан бири бўлган машҳур арбоб Томас Жефферсон томонидан асос солинган партия вакиллари 226 та ўринни банд қилишди. Республикачиларга эса қуйи палатанинг 191 ўрни насиб этди.

Парламентнинг юқори палатаси — Сенат аъзолиги учун бўлган шиддатли курашларда ҳам омад демократларга кулиб боқди. Мухолиф партиянинг 51 вакили сенатор лавозимини эгаллади. Республикачилардан эса 49 нафар номзод Сенат аъзолигига сайланди.

Бир пайтнинг ўзида ташкиллаштирилган губернаторлар сайловида ҳам демократик гуруҳ қўли баланд келди. Мазкур ғалабадан кейин мамлакат ҳудудлари бўйлаб раҳбарлик ҳам рамзий маънода мухолиф партия қўлига ўтди (Айни пайтда Американинг 50 та штатидан 28 тасида демократлар раҳбарлик қилмоқда).

Эслатма. Америка қонунчилигига биноан мамлакат парламенти (Конгресс) ва штат губернаторлари бир пайтнинг ўзида янгиланмайди. Белгиланган муддатда ўтказилидаган оралиқ сайловларда ижроия ва қонун чиқарувчи идора таркиби қисман ўзгариб боради.

Дарвоқе, оралиқ сайловларнинг кутилмаган натижаларидан бири дунёга актёр сифатида танилган Арнолд Шварценеггернинг иккинчи муддатга Калифорния губернаторлигига сайлангани бўлди. Аксарият таҳлилчилар Голливуд юлдузининг сиёсий саҳнадаги эркаликлари тугади деб турган бир пайтда республикачилар вакили ишончли ғалабага эришди ("Терминатор" учун сайловчиларнинг 62 фоизи овоз берди). Бу эса нохуш янгиликлар билан ёдда қолган "қонли сешанба" куни республикачилар кўнглига чироқ ёққан нодир ҳодиса бўлди дейиш мумкин.

Республикачилар сиёсий курашда енгилганларини тан олишди. Партиясининг мағлубияти кутилмаган ҳодиса бўлганини эътироф этган Оқ уй раҳбари Жорж Буш сайлов натижаларидан ҳафсаласи пир бўлганини яширмади. Президентнинг матбуот котиби Тони Сноу эса бироз аламзадалик аралашган совуққонлик билан республикачиларни тинимсиз танқид қилиб келган демократларнинг нималарга қодирлигини кўриш пайти келганини айтди.

Миллий хавфсизлик ва халқаро террорга қарши кураш каби сўзлар билан Америка халқини сеҳрлаб олган Жорж Буш бошчилигидаги республикачиларнинг сайловдаги мағлубияти тасодиф ёки кутилмаган натижа бўлди дейиш бироз муболағали. Гап шундаки, республикачилар Конгрессни идора қилган даврда Қўшма Штатлар бир қатор жиддий халқаро можаролар марказида қолди. Европадаги яширин қамоқхоналар, Гуантанамодаги оғир аҳвол, Оқ уй томонидан дунё мамлакатларининг ички ишларига аралашув ва бошқа кўплаб парда ортидаги ҳақиқатларнинг ошкор бўлиши билан партия ҳамда унинг раҳнамолари нуфузи тушиб кетди. Америка халқининг миллионлари эвазига олиб борилаётган ва давлатга эмас, алоҳида шахсларга манфаат келтираётган Ироқ уруши масаласида эса кўп тўхталиб ўтириш шарт эмас. Америка жамиятининг асосий қисми Ироқ урушини кечириб бўлмас хато деб ҳисоблаётган бир пайтда мазкур йирик ҳарбий амалиётга изн берган республикачи депутатларнинг ғалабасига умид қилиш эса ёз чилласида қор кутишдай гап эди.

Қолаверса, республикачилар раҳбарлиги даврида хавфсизликка устувор ўрин берилгани туфайли мамлакат ички ҳаётида, хусусан, иқтисодиётида ҳам сезиларли муаммолар юзага келди.

Нима бўлган тақдирда ҳам, республикачиларнинг Конгрессдаги 10 йилдан ошиқ муддатга чўзилган ҳукмфармолиги якунланди. Вакиллар палатаси ва Сенатни тўла назоратга олган демократлар келиши билан эса мамлакат сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар аллақачон бошланди. Президент Жорж Буш сайлов натижалари чиққан пайтдаёқ демократларнинг биринчи рақамли душманларидан бири, Ироқ уруши ташкилотчиси — мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни лавозимидан озод қилди. Президентнинг ўзи энг яқин сафдоши, Ироқ урушидаги "куролдош"ини ишдан бўшатгани Оқ уй муроса йўлини танлашга мажбур бўлганини кўрсатади. Чунки президент обрў борида аввалроқ ҳаракат қилмаганида, демократик партия барибир босим билан бўлса-да, Пентагон раҳбари истеъфосига эришган бўларди. Айтиш керакки, Доналд Рамсфелд охирги "қурбон" эмас. Президент демократлар раъйига кўра яна кўплаб сафдошларидан воз кечиши мумкин.

Шунингдек, яқин кунларда яна бир муҳим сиёсий янгиланиш бўлиши кутилмоқда. Демократик партия Вакиллар палатаси спикерлигига Нэнси Пилози номзодини тақдим этмоқчи. Мамлакат тарихида илк аёл спикер бўлишга яқин турган сиёсатдон хоним палата раислигига сайланса, мамлакат президентини Ироқ уруши борасида нохуш янгиликлар кутишини эслатиб қўйишга улгурди.

Эндиликда президент Жорж Бушнинг демократик Конгресс билан ишлаши анчайин қийин кечади. Чунки бундан буён Вакиллар палатаси ва Сенатда давлат раҳбарининг ҳаммаслак партиядошлари эмас, мухолиф сиёсий гуруҳ аъзолари етакчилик қилмоқда.

Президентнинг маълум сиёсий ҳужжат ёки қонунларни парламент тасдиғидан ўтказолмаслиги истиқболдаги қийинчиликларнинг бир қисми, холос.

Энг асосийси, демократлар яқин кунларда қонун чиқарувчи идора ваколатидан фойдаланиб, мамлакат бошқарув тизимларининг яхши ишламаётгани, иқтисодий тараққиётнинг орқага кетаётгани каби ҳолатлар бўйича текширув ўтказиши мумкин. Қолаверса, демократлар фаолият дастурида атроф-муҳитга оид муаммолардан тортиб, охирги пайтда чексиз ваколатлар бериб қўйилгани туфайли фуқаролар ҳуқуқларини бузишга журъат этаётган махсус хизматлар ҳовурини босиб қўйиш режалари ҳам бор...

Гарвард университети томонидан ўтказилган ижтимоий сўров Америка ёшларининг ҳар учтадан биттаси мамлакат нотўғри ривожланиш йўлида деб ҳисоблашини кўрсатди. Жамиятдаги ана шундай тушкунлик ҳолатида "Америкага янгиланишлар керак!" деган шиор остида ҳаракат қилаётган демократлар мамлакатда туб ўзгаришлар амалга ошира олишармикин? Бу саволга эртанги кун жавоб беради...

Собиржон ЁҚУБОВ

Демократлар шиори: «Америкага янгиланишлар керак!»

Нэнси Пилози — Вакиллар палатаси спикерлигига асосий номзод.

Сайлов натижаси президент Жорж Бушнинг ҳафсаласини пир қилди.



Вакиллар палатасида бундан буён демократлар етакчилик қилади.

Дунё мамлакатларида жамиятнинг энг кенжа аъзолари — болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар анча фаол ишлашини кузатиш мумкин. Мамлакатимизда ҳам болалар муаммолари билан шуғулланувчи кўплаб ташкилотлар мавжуд. Улардан Ўзбекистон Болалар жамғармаси бу борада катта тажрибага эга.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Аслида ёруғ оламда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётий муаммоларни ечишга кўмаклашишдан-да эзгу юмуш йўқ. Ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаган Ўзбекистон Болалар жамғармаси ўз-ўзини бошқарувчи нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида илк бор 1988 йилда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган эди. Шундан буён мазкур ННТ кенг миқёсда фаолиятларини кўрсатиб келмоқда. Иш мезони сифатида Ўзбекистон Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун ҳамда низомни асос қилган жамғарманинг Тошкент шаҳридан ташқари вилоятларда — шаҳар ва туманларда ҳам бўлимлари мавжуд.

10 йилдан ортиқ муддат давомида ишлаб келаётган нодавлат ташкилоти болаларни тарбиялаш, уларга сифатли ва юксак савияда таълим бериш, уларнинг саломатлигини сақлаш, оилада болалар тарбияси каби муҳим масалалар юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириб келмоқда.

Сир эмас, болалар ҳуқуқлари борасида миллий даражадаги меъёрий ҳужжатлар билан бирга халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам қабул қилинган. Жамғарма мазкур миллий ва халқаро ҳужжатлар, битимларни Ўзбекистон болалари ҳаётига татбиқ этиш, уларнинг бу борадаги билимларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кам таъминланган оилаларга имконият даражасида зарурий ёрдам кўрсатиш, хусусан, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш соҳасидаги дастурларини амалга ошириш ҳам Болалар жамғармасининг устувор вазифалари сирасига киради.

Жамғарма оиладаги тинчлик, осойишталикни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар билан бирга ижтимоий хизматларни такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Ижтимоий дастурларни яратиш, ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш орқали эса оғир ҳаётий муаммолар теграсида қолган болаларни маълум даражада қўллаб-қувватлаш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция — жамиятнинг энг ёш бўғини эркинликларини ҳимоялашга қаратилган асосий ҳужжат. Шу боис ҳам, жамғарма Конвенция моҳиятини чуқур тушунтириш мақсадиди айни шу мавзуда семинар-тренинглар ўтказиш, бу жараёнга болаларни ҳам фаол жалб этишга уринмоқда.

Жамғарма бу борадаги долзарб муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, болаларни тинчлик ва ўзаро ҳамкорлик руҳида тарбиялашга интилмоқда. Бу ўринда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда қилинган хайрли ишларни эслаб ўтиш ўринли.

Ўзбекистон Болалар жамғармасининг яна бир ижобий ташаббуси меваси сифатида ўсиб келаётган авлод ҳуқуқий онгини ўстириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ўргатишга қаратилган «Ёш авлод кенгаши» дастури ҳам ишлаб чиқилган.



«Ёш авлод кенгаши» мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида акс эттирилган маънавий баркамол шахсни вояга етказиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларда юксак маънавий ва умумбашарий фазилатларни, ташаббускорликни ўстириш, маданий билим даражасини ошириш мақсадида ташкил этилди. Кенгаш ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш билан бирга болалар онгида сиёсий тушунчаларни шакллантириш, уларни кичик ёшдан сиёсий фаолиятга тайёрлаш ишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистон Болалар жамғармаси ўз йўналишидаги етакчи уюшма сифатида болалар манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳаракатларини ҳам бирлаштирди.

2002 йилнинг апрелида Тошкентда Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар коалицияси ташкил топди. Маълумотларга қараганда, коалиция ўз таркибида болалар манфаатларини ҳимоя қилувчи 108 та нодавлат ва нотижорат ташкилотларни бирлаштирган. Бу эса зиммага олинган масъулиятли вазифаларни адо этиш, болалар ҳуқуқларини тўла даражада таъминлашга кўмаклашади. Чунки якка ҳолда жиддий вазифаларни бажаришга ожизлик қиладиган ННТлари биргаликда катта ишларни амалга оширишлари мумкин. Бу ўринда ҳам ўша машҳур "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" ҳикматини ёдга олиб ўтиш ўринли...

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Мутолаа

МУНОЖОТГА СИНГИЛ НАВОЛАР

ёхуд шоир Наби Жалолиддиннинг “Ҳур нидо” номли шеърий тўпламига чизгилар

“Ҳур наво” билан тиллашувимиз анча оғир кечди. Бунчалар тантиқ бўлмаса мисралар (“Тиззамни ғажийман, тиззамни”, “Кўзларим ўяди кўзларим”). Бунча кеккаймаса ашъор дегани (“Тепамда ой ҳамон билтинглар”, “Чийиллаб қўяди бечора дунё”, “Заминни кўзлаган пайтимиз Осмонлар йигласин ўксиниб”).

Одатда синиқроқ, сипороқ бўларди биз билган оҳанглар. Ёки нидонинг ҳурлиги шунақа кажбахс, асов келадими? Ё ҳолига боқмаса ёхуд ҳолинг не, демаса... Дабдурустдан қаршингиздан чиқиб олатасир рақсга туша кетган бўзбаёв болага ўхшар сатрлар.

Ҳамма ёқ оппоқ,
Бир жуфт сийна
Ягона дунё
Сиғар гўё панжаларига
Лабларида ҳаётнинг таъми,
Оппоқ ҳаётнинг,
Лаблар интиқ тамшанадилар
Ҳамма ёқ оппоқ.

Ҳаракатларини қаранг: оёқлар дупури, қўллар сермалиши, гавда сурури куйнинг куймаланишига мосмасми-ей:

Осмон оқиш
Майсалар яшил.
Ер ернинг рангида
Қушлар сайрар қушлар тилида.
Уни юлдузлар энди таниди(?)...
Юлдузларга етади қўли
Уйи — дунё
Ватан остона.
Онасига ўхшар одамлар,
Қушларга ўхшайди онаси.

Нима демоқчи бу далли мисралар?

Хўш... “Осмон оқиш, Майсалар яшил, Ер ернинг рангида”, бўлади-да. Қушлар қушнинг тилида сайрамасдан, чигиртка тилида чирилласинми? “Одамларга ўхшаган онанинг қушларга ўхшаши...” қизиқ.

Абстракционизм рангтасвирда... тушунса бўлар... Абстракт жумлалар деймизми? Оҳанглар сюрреализми бўлса-чи?

Нима бўлгандаям, нидоларим ҳур деб қўйибди — “Ҳур нидо”. Демак куйлар қалб амри, қалб рангин шоир.

Қалб амри, қалб ранги, дедингми! Шошма. Шу ерда нимадир бўлса-чи, сен англаб етмаган, ақлинг ўтмаган.

Ботини бировга ўхшамаса айбими, айблими, шоир? Эҳтимол, осмонни оқиш кўрганда шоир балки само қора булут оғушидадир. У осмонни қора булут билан қоплаган осмонни оқ-оппоқ тусда, қиёфада кўряпти-я! Бироқ бу Осмон эмасда-е...

Шоир сохта осмон ортидаги ҳақиқий осмонни кўриб турган бўлса-чи!

Сохта осмон — ўткинчи. Шоир буни билади, англайди. Лекин бу сохта ҳолат қачон тарқайди-ю, ҳақиқий ложувард осмон қачон жамол очади? Ким билсин. Ҳа, яшанг! Билмайсиз. Билмаймиз. Шоир ҳам билмайди.

Бироқ шоирни ўз осмони — ўзига хос осмонини кўришдан, тасаввур қилишдан маҳрум этолмайсиз. Бунга ҳаққингиз йўқ. Сохта воқелик ортидан туриб ўз осмонини кашф этиш, ҳис қилиш эса осон иш эмас... Гап бу ерда моҳиятга, аслиятга ошиқликда. Аслият, ажабки, аксарият ҳолларда сохталиклар оғуши ёки ортида ниҳондир. Моҳиятни эса ким ғарибона, ким орифона кўради. Орифлар мушоҳадаси кўпинча ғариб тоғораларга сиғавермаслиги ҳам бор гап-ку...

Шеър шоир қалбининг ранги, инъикоси. Умр эса шоир учун изтироблар аро кечувчи йўлдир. Демак, шеър изтироблар меваси. Бу мева жозибаси ўша изтиробли онлар жазби жазавасига, даражасига ҳам боғлиқ.

Биламан, “Ҳур нидо” муаллифининг умр йўллари фақат “изтироблар хиёбони” ҳасратларидан иборат эмас. У ажал ранги ва ҳиди анқиб ётган “афғон муҳорабалари”ни ҳам кесиб ўтган.

Эҳтимол, ана шу биз кўрмаган, ҳис қилмаган кўргиликлар, қирғинбаротлар “Ҳур нидо” муаллифини биздан бошқачароқ кўрадиган, ҳис қиладиган, ёзадиган, фикрлайдиган қилиб қўйгандир. Унга қулоқ тутинг-а...

Тақдирга битилган икки йилимни
Жаллоддек қиймалаб,
Тутганман аза.
Ажал уруғини ҳовуч-ҳовучлаб
Осмону фалакка
сочганим ҳам рост.
Буюк гуноҳларни
улгуржи ишлаб,
Гуноҳкор умримни
этганман халос.
Мен мўмин эдим-ку?
Энди-чи — осий, —

деб ёзиш бизнинг қўлимиздан ҳам келар. Лекин бунга ҳаққимиз йўқ. Чунки биз тақдиримизга битилган икки йилимиз тугул бир кунимизни ҳам афғон тупроғида, беомон жангу жадалларда жаллоддек қиймалаб, унга аза тутган эмасмиз. Бундай деб ёзиш ҳисси ва ҳуқуқи фақат “ажал уруғини ҳовуч-ҳовучлаб осмону фалакка сочган”, буюк гуноҳларни улгуржи ишлаб, гуноҳкор умрини халос этиш талвасаси билан “қақшаган асаблар қаҳратони”дан омон ўта билган, “Бу дунёга мўмин келиб осий қайтяпман”, дея пешонасига муштлаб яшаётган “афғон болалари”гагина муносибдир.

Кулфат кўрган қалблар одатда шўх-шаън давр ва давраларда маъюс, бегона тортиб қоладилар. Уни кўплар тушунмаган, ҳис қилмаган лаҳзаларда у:

Энди гапирмайман
Дарахтман мен бир...
Энди сукунатнинг бўлдим боласи,
Кийдим чопон — у қилган тортиқ.
Юрагимнинг тунги ноласин
Сезмас бирон чопондан ортиқ.
Ёлғизликдир менинг мозорим
Ўзни кўмиб қўйганман унга, –

дея ўзини бир четга олиб, мунғайиб ўйга толади. Бироқ қандайдир илоҳий бир некбин туйғулар зардаси ва далдаси боис “Бир дийдор истайман интиқиб, Худо” воқелик, ҳатто вақт ҳам Ватан. Шу вақт — лаҳзада у мавжуд ва тирик. Демак, у Ватан қўйнида...

Бироқ шу лаҳзаларда ер кўкка ваҳшат солиб ўлим шарпаси ҳам кезади. Ваҳшат оғушидаги ана шу лаҳза — Ватан бағрида ўз умрининг қисқагина икки йилини “яшамоқ мушкулдир, яшамоқ мушкул!..”

Кечагина бағрида бир ўт ёниб, ҳар не шафқатдан тониб қанчадан қанча диндошларини ер тишлатган, ўз таъбири билан айтганда “осий” қаҳрамон бугун кўчада ётган чақир тошга оёқларим озор бериб қўймаяптимикин, деган андишада қадам босади.

Оёқларим ботди тош йўлга.

Шугина бир мисрада мен шоир табиатидаги қутлуғ бир қутбланиш синоатини ҳис қиламан. Энди у:

Ўзим билмай ёки билиб адашдим,
Одамлар қилганин
қилиб адашдим.
...Худойим гуноҳимдан ўт
Бўйнимга минг гуноҳ
илиб адашдим, —

дея надоматлар чекади. Бу мисраларда надоматга ҳамоҳанг истиғфор туйғулари ҳам яшайди. Истиғфор эса покликка, поклашишга орзуманд юракларда унади.

Шоир ижодида мақоламиз бошида мисол келтирганимиз жимжимадор, бурама жумла ва образлар ясашга ортиқча берилиб фикрлар самимийлиги ва тароватига заҳа етказилган ўринлар ҳам талайгина. Эҳтимол, соянишин, бўлар-бўлмасга кўкрак кериб ўртага чиқавермайдиган, истиҳолалироқ шеъриятга ихлос билан вояга етган бизнинг мажҳул идрокимиз юқоридаги олатасир мисраларни қабул қилишга қийналаётган бўлиши мумкин.

Бироқ

“Муножот”га сингил наволар
Қалб қаъридан аста ҳаволар.
Бу фаслнинг асли саволлар –
Ечилмаган жумбоғи хўпдир.
Қалдирғочим, дардларим кўпдир, –

сингари қуйма мисраларда шоир Наби Жалолиддиннинг ҳақиқий ижодий қиёфаси балқиб тургандай.

Не деб ёзмайлик, ёзғирмайлик хулоса будир. “Ҳур нидо” муаллифини бугун республикамиз адабий жамоатчилиги анча яхши билади. У бугун ўз тенги ижодкорлар орасида эҳтиросли, иқтидорли шоир, носир сифатида танилиб улгурди. Бундай эътирофлардан эса туғилган юртидан олисроқда яшаб ижод қилаётган қаламкаш биродарларнинг кўнглига ҳам ёқимли илиқлик, қувват олиб киради. Айтадилар-ку:

Отлар туёғида эзилмас майса,
Майса қувонармиш
отлар кўпайса.
Қувонар майсадек
мулойим элим,
Элни эл қилгувчи
зотлар кўпайса.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Назм

Бахт сенинг кулбангда чироқ ёққанда...

ОТ МИНГАН МАРДЛАР КЎП

Кўкрагим кўтариб яшайман доим,
Ҳарқалай боболар йўлин уққанман.
Мен ахир минг йиллар чангини қоқиб,
Шу жўмард ва машҳур элдан чиққанман.

Уйғонмай, елкасин қисиб яшаган,
Кимсалар олдида гоҳ лол тураман.
От минган мардлар кўп, улар ичида,
Юртнинг устунларин яқин кўраман.

Кўзимнинг қораси ўзимга азиз,
Суянсам тоғим шу, айтсам достоним.
Онажон элим-эй, бир-биринг қўлла,
Токи юрагимдан кетсин армоним.

Ҳайқириб бўғзимда гуллайди сўзлар,
Юрт қаддин кўтарди, руҳим ўсади.
Кўзимни қанчалар каттароқ очсам,
Шунча кўп кимсалар елка қисади.

Жуфтлаган сўзларим соғинчга тўла,
Ватандан айтмасам, тил ўзи тилмас,
Элга эл қўшилар, лекин шунда ҳам,
Бошқа Ўзбекистон дунёга келмас.

КЎНГИЛ СЎРАР БЎЛГИН

“Ассалом” деб келдик дунёга,
“Хайр” сўзин айтганга қадар
Шу ўртада бирон гап бўлса,
Кечиримли бўлгин, биродар.

Тилидаги сўзга тегди ўқ,
Бундан унинг кўнгли ярадор.
Шу беш кунлик дунёда бир кун,
Кўнгил сўрар бўлгин, биродар.

Хато қилса инсон боласи,
Ғамлар унга дарров азадор.
Бўйнигача чўкиб турганда
Эшик очиб келгин, биродар.

Ўтди дунё, ўтди умри ҳам,
Энди унга не қизиғи бор.
Ёқтирдингми, ёқтирмадингми...
“Яхши эди” дегин, биродар.

ҲАР КУННИНГ СИНОВИ

Ҳар кунинг –
синовдан қолган фойдадир,
Тўхтама,
иқболинг бўлур зиёда.
Боқ, яёв кетмоқда
отдан тушганлар,
Отга миниб олган
қанча пиёда.
Чархпалак дунёмас
чархпалак феълмиз,
Шу айтар гапимни яхшиликка йўй:
— Отга минганларга
қўлингни берсанг,
Отдан тушганларга
елканг тутиб қўй.

***

Ёнингда ҳамиша одам аримас,
Ҳамкасбинг у ёки таниш-билишинг.
Кимгадир истаранг иссиқ туюлса,
Демак, бу меҳрга қўшган улушинг.

Энг аввал хабардор ёнингдагилар
Бахт сенинг кулбангда чироқ ёққанда.
Ёки тушларингга кирган Хизрдай
Дарвозанг зулфини омад қоққанда.

Яхшилик кўрганда этагини ўп,
Ёмонлик дуч келса индамай бўзла...
Бошингга тушган ҳар кўргиликни сен,
Ёнингда юрганлар ичидан изла.

УМР ЛАҲЗАЛАРИ

Бугунги ишни
шу бугун
адо эт,
Эртага
янги бир новда
сув олар.
Каллакланган
тутнинг
йўлини
тутсанг,
илдизинг
индинга
бақувват бўлар.

***

Ҳушёрроқ қадам бос,
эҳтиёт бўлгин,
Туфлингнинг пошнаси
қийшайиб қопти.

Оёғи остини
ўйламай, қара,
Бу узун тераклар
болтадан
топди.

***

Мен
икки ҳолатнинг
г у в о ҳ и
бўлдим.
Тушуна олмадим
уринмай
ҳарчанд.
Кенг
жойда
мушт еган
хафа турибди,
Тор
жойда
ош еган
Негадир
хурсанд!

***

Ҳар битта
ҳикматдан
Сабоқ ол,
аммо,
Ҳарқалай
ўзинг ҳам
мулоҳаза қил:
Кўзлар қарағида
юзта қўриқчи,
Деворнинг ичида
қамалган
бу тил!

Ҳамид НОРҚУЛ



Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

Хотира

УНУТИЛМАС ДАМЛАР

Мана бу фотосуратга диққат билан қаранг! Очиқ чеҳрали юртдошларимиз биз томон нигоҳ ташлаб туришибди. Уларнинг ҳар бири алоҳида достон! Ҳар бирининг довруғи оламга таралган! Бир-бирларининг елкаларига қўл ташлаб туришларида, бир-бирларини бағирларига олиб завқ олишларида дийдор кўришганларидан беҳад хурсанд эканликларини сезамиз.

Ўртада эвараларини тизаларига олиб доно кўзларини объективга қаратиб ўтирган тенги йўқ Лутфихон ая Саримсоқова хонадонларига дугоналари, ҳамкасблари, шогирдлари ташриф буюришганидан бахтиёрлигини кўриб турибмиз. Ёнларида турмуш ўртоқлари Тожизода ҳамда эркаланиб, эҳтимол, севган қўшиқларини хиргойи қилиб турган Фароғат Раҳматова. Шоколад конфетлар ёнида ўзлари ҳам ширин Тамарахоним ҳайитда киядиган либослари, шўх табассуми билан ажралиб турибди. Камтарин Сорахоним Эшонтўраева одми кийимда. Актрисанинг кулимсираб туришида кўп маъно бор. Эҳтимол, бу унутилмас дақиқалар тез ўтиб кетиши ҳақида ўйлаётгандир. Балки шунинг учундир, бироз энгашиб, ўзларини сояга олиб маъюс кайфиятларини яширмоқчи бўлаётгандир.

Сурат муаллифнинг архивидан.

Мукаррам опа Турғунбоевани эса Гавҳархоним Раҳимова икки қўллари билан маҳкам ушлаб олганлар. Бу икки раққосага Лутфихон ая ҳам устозлик қилганлар-да! Наима Пўлатова (ўша йиллари Наима Исхокова!) бироз ўйчан ҳолда муҳрланган, “шундай обрўга — аянинг обрўсига етишнинг ўзи бўлмас!” деб фикр юритаётгандек.

Раззоқ Ҳамроев, Набижон Халиловнинг камтарлигига разм солинг! Бири Навоий роли билан, иккинчиси дирижёрлик фаолияти билан шуҳрат қозонган бу улкан санъаткорлар орқада — учинчи қаторда тик туришибди...

... Ёш Марям Ихтиёрова эса оламга машҳур ижодкорлар билан мулоқотда бўлаётганидан севинчи ичига сиғмаяпти...

Суратдаги ҳар бир шахс шаънига мадҳия ўқиш мумкин. Улар ҳар биримизга яқин, мўътабар хонадоннинг меҳмони. Кўриниб турган йўлакдан биз ҳам ўша файзли ҳовлига неча бор кирган, мезбон бўлмиш ая ва Тожизода суҳбатида бўлган эдик. Буниси энди бошқа ҳикоя...

Суратчи шаънига миннатдорчилик сўзларини айтгинг келади. Унинг исми ёзилмаган. У ҳам ҳозиргача Кўкча дарвозасидаги Лутфихоним Саримсоқова уйида бўлганидан фахрланиб юрар!..

Ҳамидулла АКБАРОВ

Азиз газетхонлар!

«ЧАҒОНИЁН»

ГАЗЕТАСИГА 2007 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Обуна барча почта бўлимлари ва “Матбуот тарқатувчи” бўлинмаларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинаётир.

Бизнинг “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти ва “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясининг 2006 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 484

Ташкилотлар учун —485

O'zingni anglab yet HURRIYAT

Мулассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон КЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 1355
Т: 2059
1 2 3 4 5